



СЎРОҚ ҚИЛИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ АҲАМИЯТИ

Абдуназаров Севдиёр Дилишод ўғли

Гулистон шаҳар ИИБ ҳузуридаги

Тергов бўлими терговчиси

АННОТАЦИЯ: Ушбу мақола орқали муаллифлар Сўроқ қилишининг таҳлили, унинг тушунчаси, сўроқ қилиш ҳуқуқий асоси, сўроқ қилиш тартиби, сўроқ қилишининг мазмуни, ва сўроқ қилишининг криминалистик тактикаси кўрсатилиб, сўроқ қилиш тергов ҳаракатини такомиллаштиришининг долзарблиги бўйича айрим таклиф ва мулоҳазаларини ёритиб ўтган.

Калит сўзлар: Сўроқ қилиш, сўрўв, юзлаштириш, ёлгон ишлатиш, йўналтирувчи савлолар бериш, айбига иқрорлик тўғрисида келишув, ҳимоя ҳуқуқи билан таъминлаш.

АННОТАЦИЯ: В данной статье авторы показали анализ допроса, его понятие, правовую основу допроса, порядок допроса, содержание допроса, криминалистическую тактику допроса, а также выделили некоторые предложения и соображения по совершенствованию следственного движения. допроса.

Ключевые слова: Допрос, очная ставка, ложь, наводящие вопросы, сделка со следствием, защита

ANOTATION: Through this article, the authors have shown the analysis of interrogation, its concept, the legal basis of interrogation, the order of interrogation, the content of interrogation, and the forensic tactics of interrogation, and highlighted some suggestions and considerations for improving the investigative movement of interrogation.

Keywords: Interrogation, questioning, confrontation, lying, leading questions, plea bargain, defense



Сўроқ (хуқукда) — шахсдан кўрсатув ва тушунтирув олиш воситаси. Сўроқни суриштирувчи, терговчи, прокурор; суд ишларини юритиш чоғида эса — суд олиб боради. Тергов ёки суд иши олиб борилаётган тилни тушунмайдиган шахс таржимон иштирокида Сўроқ қилинади. 16 ёшгача бўлган гувоҳ ва жабрланувчини Сўроқ қилишда унинг ота-оналаридан бири ёки бошқа қонуний вакили ва педагог иштирок этади. Гумон қилинувчи ва айбланувчи Сўроқ қилинганда унинг ҳимоячиси ҳозир бўлиши шарт. Сўроқ вақтида қийноққа солиш, зўравонлик, шафқатсизлик ёки инсон шаъни ва қадрқимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этиш жиноят ҳисобланади. Сўроқ қилинувчига унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилиши шарт. Вояга етган гувоҳ ва жабрланувчи Сўроқда атайлаб ёлғ'он кўрсатув берса ёки кўрсатув беришдан бош тортса, жиноий жавобгарликка тортилиши ҳақида огоҳлантирилади. Қонун суд маслаҳатхонасида муҳокама қилинган ҳолатлар тўғ'рисида — судья ва халқ маслаҳатчисини, жиноят иши бўйича — ҳимоячи ва баъзи шахсларни Сўроқ қилишни тақиқлайди. Гумон қилинувчининг ва айбланувчининг яқин қариндошлари гувоҳ ёки жабрланувчи тариқасида фақат ўзларининг розиликлари билан Сўроқ қилиниши мумкин. Сўроқ қилишнинг шартлари ва тартиблари Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 96—124 моддаларида батафсил белгиланган.¹

Энг кўп тарқалган тергов ҳаракатларидан бири сўроқ қилиш бўлиб, ким сўроқ қилинаётганидан қатъи назар, ушбу ҳаракат муайян умумий қоидаларга мос келиши керак. Сўроқ қилиш суриштирув, дастлабки тергов ўтказиладиган жойда ёки сўроқ қилинувчи қаерда бўлса, ўша жойда амалга оширилади. Суд эса шахсни суд муҳокамаси юритилаётган жойда сўроқ қилади (ЖПК 96-м.). Жиноят протсессиди иштирок этувчи (гувоҳ, жабрланувчи), шунингдек ўз манфаатларини ҳимоя қилувчи (гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи) суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг ҳузурига ва судга чақирув қоғози билан чақирилади. Чақирув қоғози почта орқали жўнатилади ёки чопар орқали

¹ Википедия маълумоти электрон Манбаа: <https://uz.wikipedia.org/wiki/So%CA%BBroq>



топширилади. Чакирув телефонограмма, телеграмма, радиogramма билан ёки телефакс орқали ҳам амалга оширилиши мумкин. Чакирув қоғозида шахс ким сифатида, қайси манзилга ва кимнинг ҳузурига чакирилаётганлиги, қайси куни ва қайси соатга келиши кераклиги, шунингдек узрсиз сабабларга кўра келмай қолган тақдирда қандай оқибатлар рўй бериши кўрсатилган бўлиши лозим. Чакирув қоғози чакирилувчига топширилиб, тилхат олинади. Чакирув қоғози олиб борилганда чакирилувчи вақтинча йўқ бўлса, унга бериб қўйиш учун чакирув қоғози у билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига, ётоқхона маъмуриятига, уй эгасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади. Агар шахс қамокда сақлаш жойларида, реабилитация марказларида, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган бўлса, бундай шахслар сўроқ қилиш учун мазкур жойлар ва муассасаларнинг маъмурияти орқали чакиртирилади (ЖПК 97-м.)

Сўроқ қилинувчининг кўрсатувлари статистик маълумотлар ёки хотирада сақланиши қийин бошқа маълумотларга тааллуқли бўлса, у сўроқ пайтида ўзидаги ёки ишга қўшиб қўйилган ҳужжатлардан ёхуд бошқа ёзувлардан фойдаланиши мумкин. Сўроқ қилинувчига сўроқ қилиш жараёнида ўзидаги ҳужжатлар ва бошқа ёзувларни ўқиб эшиттиришга рухсат этилиши мумкин. Бунинг устига суриштирувчи, терговчи ва суд сўроқ қилинувчидан сўроқ қилиш жараёнида у фойдаланаётган ҳужжатлар ва бошқа ёзувларни талаб қилиши, уларни кейин қайтариб бериши ёки ишга қўшиб қўйиши мумкин (ЖПК 103-м.).

Сўроқ қилинувчининг илгариги сўроқда берган кўрсатувлари фақат унинг ҳозирги сўроқда берган кўрсатувлари тингланиб, қайд қилиниб, у имзо чекканидан кейин ва қуйидаги ҳолларда ўқиб эшиттирилиши мумкин:

- 1) ҳозирги ва илгариги сўроқларда берилган кўрсатувлар ўртасида жиддий қарама-қаршилиқлар бўлганда;
- 2) сўроқ қилинувчи судда кўрсатув беришдан бош тортганда;
- 3) иш сўроқ қилинувчининг иштирокисиз кўриб чиқиляётганида (ЖПК 104-м.)



Ўз навбатида, сўроқ жараёнида суриштирувчи, терговчи ва суд, шунингдек суд муҳокамасида тарафлар ишга қўшиб қўйилган ёки тарафлар ихтиёрида бўлган нарсалар ва ҳужжатларни сўроқ қилинувчига кўрсатишлари, шунингдек бу ҳужжатларни ўқиб эшиттиришлари мумкин. Бунда сўроқ баённомасида ёки суд мажлиси баённомасида қайси нарса ёки ҳужжат кўрсатилганлиги, ҳужжат матнининг қайси қисми ва унинг ким томонидан ўқиб эшиттирилганлиги, нарса ёки ҳужжатни кўрсатиш вақтида қандай саволлар берилганлиги ва бунга жавобан сўроқ қилинувчи қандай кўрсатувлар берганлиги аниқ акс эттирилади (ЖПК 105-м.) Кўрсатувлар баённомага биринчи шахс номидан, имкон борича сўзма-сўз ёзиб борилади. Савол-жавоб сўроқ жараёнида қандай олиб борилган бўлса, шундай изчилликда қайд қилинади. Суриштирувчи, терговчи ёки суд мажлисида раислик қилувчи томонидан четлатилган, шунингдек сўроқ қилинувчи жавоб беришдан бош тортган саволлар ҳам баённомага киритилиши керак баённомада сўроқ қилинувчи томонидан аввалги сўроқларда берилган кўрсатувларнинг ўқиб эшиттирилгани, кўрсатув бериш жараёнида сўроқ қилинувчининг ҳужжат ёки бошқа ёзувлардан фойдалангани, сўроқ қилинувчига сўроқ давомида нарса ва ҳужжатлар кўрсатилгани, сўроқ пайтида овоз ёзиш, видеоёзув, кинотасвирга олиш ўтказилгани ҳам қайд қилинади. Фонограмма, видеоёзув ва кинотасма баённомага илова қилинади.

Сўроқ тугаганидан кейин баённома ўқиб чиқиш учун сўроқ қилинувчига кўрсатилади ёхуд унинг илтимосига кўра суриштирувчи, терговчи томонидан унга ўқиб берилади.²

Сўроқ қилиш тактикаси – бу жиноят ишининг хусусиятлари, сўроқ қилинувчининг шахси ва сўроқ қилиш шароитлари билан мутаносиб бўлган энг омилкор усуллар йиғиндиси. Сўроқ қилиш тактикасининг мақсади сўроқ қилинувчидан воқеликда бўлган ҳодиса ҳақида объектив ва тўлиқ кўрсатувлар олишдан иборат. Сўроқда қўлланиладиган

² Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси дарслик Тошкент 2012 йил Б.А.Миренскийнинг умумий тахрири остида 125-130 бетлар



тактик усулларни ҳар хил асосларга кўра таснифлаш мумкин. Авваламбор, тегишли тактик усулларнинг ЖПКда кўрсатилганлиги ёки кўрсатилмаганлиги бўйича тасниф этиш мақсадга мувофиқдир. Жиноят-процессуал тартибига риоя қилган ҳолда якка бир жиноят иши бўйича чақирилган гувоҳлар алоҳида сўроқ қилинади ва ҳар бир гувоҳ ўз кўрсатувларини бошқа гувоҳнинг иштирокисиз баён қилади. Бу қонун талаби. Демак, бу тактик усул бевосита қонунда акс эттирилган. Шунинг учун терговчи бу талабга тўлатўкис риоя қилиши лозим. Баъзи бир усуллар тергов қилиш жойига қаратилган. ЖПКнинг 96-моддасида қуйидаги талаб қайд этилган: терговчи дастлабки тергов ўтказиладиган жойда ёки сўроқ қилинувчи қаерда бўлса, ўша жойда сўроқ қилади.

Жиноят-процессуал кодексда шундай талаблар борки, улар терговчига у ёки бу ҳаракатларни амалга оширишни таъкидлайди. Масалан, терговчи сўроқ қилинувчига тўғридан-тўғри жавоби маълум бўлган саволларни (йўналтирувчи саволлар) беришга ҳақли эмас ва бундай ҳаракатлар ман этилади. Бундай қонунларнинг талаби криминалистик тактика учун айнан сўроқ қилиш тактикасига асос бўлади.

Иккинчи гуруҳни жиноят-процессуал кодексда кўрсатилмаган тактик усуллар ташкил этади. Бироқ улар сўроқ қилишда муайян вазиятни ечишда ишлатилади. Шунга асосан қуйидаги белгиларга, яъни тактик усулнинг ҳажми, уни йўналтириш таъсири, сўроқ қилинувчининг шахсига қараб усулларни таснифлаш мумкин. Ҳаракат қилиш ҳажмига кўра тактик усулларни умумий ва махсусга ажратиш мумкин. Умумий тактик усуллар ҳар қандай сўроққа доир бўлади. Махсус тактик усуллар эса муайян шахсга нисбатан ёки махсус ҳолатга доир қўлланилади. Сўроқнинг умумий усуллари қаторига тактик комбинацияларни киритиш мумкин, чунки улар маълум ҳолатни яратишга йўналтирилган бўлиб, сўроқ қилинувчи томонидан баҳо берилиши тўғри



бўлган қарорга олиб келишни мақсад қилиб қўяди. Тактик комбинацияни амалга оширганда терговчи аниқ бўлган ахборотни у ёки бу тарзда қўллаши натижасида сўроқ қилинувчи терговчининг иш бўйича воқеа тўғрисида ва далилларга эгаллиги тўғрисида тўла ахборотга эга эканлигини ёки эга бўлмаганлигини билмаган ҳолда мушкул ҳолатга тушиб қолади. Бунда ўхшаш жиноятларнинг мавзулари тўғрисида гапириб бериш йўли билан мақсадга етиш мумкин. Аммо бундай усулнинг нишонга тегиши учун терговчи тавсиф этиладиган ахборотида уни далил сифатида эмас, балки эҳтимол тутилган ҳолатга доир фикр сифатида баён етиши лозим (бу фикр аниқ далиллар билан асосланган бўлиши лозим). Натижада сўроқ қилинувчи ёлғон кўрсатув беради, терговчи эса уни ишда бор бўлган далил билан фош қилади ва шундай қилиб сўроқ берувчи шахс ёлғон кўрсатув беришдан бош тортиб, воқеликка мос келувчи кўрсатувларни баён қилади.

Муайян тактик усулни танлаш сўроқ қилинувчининг шахсига, сўроқ предметиға, унинг ҳолатига боғлиқ. Масалан, сўроқ қилишга тайёргарлик босқичида руҳий алоқа боғлашни таъминловчи тактик усуллар танланади. Сўроқнинг эркин сўзлаб бериш босқичида эса эсдан чиққан саволларни эслатиш, кўрсатувчиларни деталлаштириш (майдалаштириш) каби тактик усуллар ишлатилади. Саволлар бериш босқичида тактик усуллар ҳолатни зиддиятли ёки зиддиятсиз бўлишига қараб ишлатилади. Агар сўроқ зиддиятсиз ҳолатда ўтадиган бўлса, тактик усуллар янги далилларни аниқлашга ва сўроқ қилинувчининг ёрдам беришига йўналтирилган бўлади. Агар сўроқ зиддиятли таърифга эга бўлса, терговчининг қандай исбот-далилларга эга эканлигига кўра, тактик усуллар учта вариантга бўлиниши ва қуйидаги таснифда ифодаланиши мумкин:

1) агар терговчида сўроқ қилинувчини тўла фош қилувчи далиллар бўлса;



2) агар терговчида сўроқ қилинувчини тўла фош қилиш учун
етарли далиллар бўлмаса;

3) агар терговчида билвосита маълумотларга кўра гумон бўлса. Биринчи вариантга кўра кетма-кетлик бўйича такдим этиш усули қўлланилиши мумкин ва бу усул ҳар бир вазият учун ўзига хосдир (аввало ҳажми кичик далиллар кўрсатилади ва аста-секин кейинги далилнинг исбот кучи ҳажми ортиб боради ҳамда сўроқ қилинувчида иш бўйича барча ҳолатларни терговчи яхши аниқлаганлиги ва ёлғон кўрсатма берса, фош бўлиши тўғрисида фикр туғилиб, у воқеликка мос бўлган тўғри кўрсатув беради). Агар иккинчи вариант бўлса, яъни далиллар ҳажми етарли бўлмаса, терговчи ўзини умуман ҳеч қандай далилларга эга бўлмаган шахс сифатида кўрсатади ва сўроқ қилинувчига «ишониб», ундан воқеа тўғрисида ишда маълум бўлган факт бўйича савол беради. Ёлғон кўрсатув беришга тайёр турган шахс терговчининг ишончини суиистеъмол қилиб, ёлғон гапиради ва натижада терговчида бор бўлган далиллар билан фош этилади. Бундай вазиятларда бошқача тактик усулни, масалан, қайта сўроқ қилиш усулини ҳам қўллаш мумкин. Бир неча маротаба ишлатилган бу усул сўроқ қилинувчининг сабр-бардошини тўлдиради ва натижада у ҳақиқатни сўзлашга аҳд қилиб, воқеликка тўғри келадиган кўрсатувларни беради. Қайта сўроқ пайтида терговчи янада кўпроқ далилий ашёларга эга бўлиши лозим.

Сўроқ қилинувчи фактларни маълум мантикий кетма-кетлик асосида гапириб берганда, у кўзга илинар-илинмас фактларни ҳам эслаб, иш бўйича муҳим бўлган фактларни ойдинлаштириши мумкин. Агар сўроқ давомида терговчи сўроқ қилинувчи томонидан айрим воқеанинг хоссалари, қисмлари эсдан чиқиб қолганини пайқаса, бу фактлар ёдга олиниши учун унинг эслаш қобилиятини

фаоллаштириши лозим. Бунда эса қуйидагилар ёрдам беради:

1) *хилма-хил жиҳатларда сўроқ қилиш.* Бунда дастлаб сўроқ



қилинувчидан уни қизиқтирган ҳодиса тўғрисида гапириб бериш илтимос қилинади. Шундан сўнг берган кўрсатувларини ўша кетмакетликда яна қайтариш ёки ҳодисанинг қоқ ўртасидан ёхуд охирини батафсил гапириб бериш ёки воқеанинг айрим фрагментларини (кўринишларини) ёддан сўзлаб бериш сўралади. Ҳар хил воқеанинг босқичларидан сўроқ қилиш сўроқ қилинувчида воқеага доир айрим маълум бўлмаган фактларнинг аён бўлиши ва дастлабки сўзланган воқеанинг аниқлаштирилишига Олиб келади;

2) *ҳодисадан аввал бўлган фактлар тўғрисида сўроқ қилиш.* Сўроқ қилинувчидан ҳодиса содир бўлган вақтда мувозий равишда бўлиб ўтган бошқа ҳаракатлар тўғрисида (агарда улар ҳодиса жойига туташ бўлса) гапириб бериш талаб қилинади. Бу ерда боғланиш фикрлари, яъни ўхшашлик боғланиши (қандайдир ўхшаш фактни эслаш, терговчини қизиқтирган фактнинг ёдга олинishiга кўмаклашади) катта рол ўйнайди. Мувозийлик боғланишида предметлар ва ҳодисалар орасида вақт ва макон муносабатлари аниқланади. Сабаб-оқибат боғланишлари (фактлар ва предметлар сабабининг оқибати сифатида ёдга олинади ёки аксинча, оқибатга кўра унга олиб келган сабаблар эсга туширилади;

3) *ҳодиса билан бевосита ёки билвосита алоқадор бўлган далилларни тақдим этиш.* Ёдга олиш фикран боғланишлардан ташқари кўз билан эслаб қолинган ва хотирани фаоллаштирувчи тасаввурларга таянади. Сўроқ қилинувчи предметни таниб олиб, агар уни

102

жиноят содир этилиш пайтида кўрган бўлса, унинг жиноят билан ҳамда воқеа билан алоқадор деталларини ёдга олиши мумкин;

4) *ҳодиса жойида сўроқ қилиш.* Сўроқ қилинувчи эсда бўлган ҳолатларни тўлароқ ёдга олиши ва уларни қайта хотирдан ўтказиши учун кўрсатувларни жойида текшириш пайтида, воқеа жойида сўроқ қилинади;



5) сўроқ қилинувчини бошқа шахслар берган кўрсатувлар билан таништириш. Бу ерда куйидаги тартибга риоя қилиш зарур бўлади. Сўроқ қилинувчига барча кўрсатувларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ эмас. Унга тегишли воқеани ёдга олиши учун кўрсатувнинг бир қисми ўқиб берилади. Сўроқнинг муваффақиятли бўлиши учун саволларни тўғри бериш ва тўғри тузиш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун юқоридаги мисолда терговчи аввало гумон қилинувчининг жиноят куни қаерда бўлганлиги, нима билан шуғулланганлиги тўғрисида сўроқ қилганда, у жиноят жойида из қолдирилганлигига ишониб, тўғридан-тўғри ёлғон кўрсатув беришга аҳд қилар эди ва терговчига уйдирма, ёлғон кўрсатув бериб, тилидан тutilган бўлар эди. Шундан сўнг терговчи дактилоскопик экспертиза хулосасини бергач, гумон қилинувчи фош қилинган бўлар эди. Сўроқ жараёнида савол бериш катта аҳамиятга эга: у сўроқ қилиш предметиға йўналган бўлади. Мақсад шахс воқеа тўғрисида эркин сўзлаётганда барча нотўлиқ жойларни ойдинлаштириш, сўроқ қилинувчининг кўрсатмаларини аниқлаштириш ва текширишдан иборат.

Жавобларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги саволларни қандай йўсинда қўйилишиға боғлиқ. Улар ҳам тўлиқ ёки қисман бўлиши мумкин. Бундан ташқари, саволлар воқеани ёки унинг айрим фрагментларини тўлиқ ёки қисман очиб беришға имкон берувчи, бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин. Сўроқ қилинувчига шундай савол бериш лозимки, ушбу саволдан у ўзи учун камроқ ахборотни ўзлаштириб олсин ва терговчида унга қарши қандай ахборот ва исбот далиллар борлигини билиши ҳар доим муаммолигича қолсин. Шунингдек, берилган саволлар унга осон бўлган жавобға олиб келмасин. Ахборотға эгалик бўйича айбланувчи терговчига нисбатан маъқулроқ ҳолатда бўлади: у қилган жиноятининг ва фактлар мазмунини яхши билади, теран англайди, терговчи эса фақат иш бўйича тўпланган ва ҳажми ҳали тўлиқ бўлмаган далилларға таянади. Шунинг учун айбланувчини сўроқ қилганда унга берилган саволлар Қайси йўналиш бўйича



кетаётганини билдиради, шунингдек, терговчига нима аёнлиги айбланувчи учун қийин масала бўлиб қолмайди. Шундай ҳолатни ҳисобга олган ҳолда терговчи айбланувчига «ишониш» ҳолатига кириб, уйдирма бўлса-да, ундан кўпроқ кўрсатувларни олишга ҳаракат қилиши лозим, яъни айбланувчи қанча кўпроқ ёлғон кўрсатув берса, шунча яхши: кейинроқ унинг кўрсатувларини фош қилиш жуда осон бўлади. Савол маълум мантиқий хусусиятларга эга бўлиши лозим. У предметли, аниқ, тушунарли, тўғри ифодаланган бўлиши керак. Тегишли савол қанчалик тўғри берилган бўлса, жавоб шунчалик теран бўлади. Агар терговчи бир неча ҳолатларни аниқлашни хоҳласа ёки сўроқ қилинувчидан муайян ҳолат тўғрисида сўраса, бу савол хусусий тарзда берилиши ҳам мумкин. Одатда, савол-жавоб жараёни айнан бир жавоб билан чекланиш ҳолатига олиб келмаслиги зарур.³

Биз сўроқ қилиш тергов ҳаракатини таҳлил қилиб, уни такомиллаштириш бўйича қуйдаги таклифларни берамиз одил судловни таъминлаш ва ҳақиқатни юзага чиқариш учун жиноят процессида гувоҳ ва жабрланувчилар ёлғон кўрсатув бермаслик ва кўрсатма беришдан бош тортмаслик бўйича огоҳлантирилиб ўтилади. Шу ҳаракатни сўроқ қилиш баённомасига киритиб бериш баробарида гувоҳ ва жабрланувчилар огоҳлантирилганлигини расмий тасдиқлаш мақсадида улардан ёзма тилхат олиш ва сўроқ қилиш баённомасига илова қилиш амалётини жорий этиш.

Жиноий одил судловни таъминлаш мақсадида жиноят иши доирасида сўроқ қилинган ҳар бир шахс гумон қилинувчи, айбланувчидан ташқари ҳар бир шахсдан сўроқ якунлангандан сўнг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 239-моддаси Суриштирув ва дастлабки тергов маълумотларини ошкор қилганлик учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги тўғрисида ҳар бир шахсдан ёзма тилхат олиш ва сўроқ қилиш баённомасига илова қилиш амалиётини жорий этиш

³ Криминалистик тактика дарслик Муаллифлар жамоаси Тошкент 2013 100-104 бетлар



Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 111-моддаси гумон қилинувчи ёки айбланувчини биринчи марта сўроқ қилишдан олдинги ҳаракатлар жумласига уларга агарда моҳиятан гумон қилинувчининг айбланувчининг ҳаракатларида оғирлаштирувчи бошқа ҳолатлар бўлмаса унга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 62¹-бобдаги айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузиш имкони бор эканлиги ва бу эса унга нисбатан жазо тайинлашда энгиллик бўлишини тушунтириб ўтиш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу таклифларни амалётга жорий этиш жиноят процессидаги инсонпарварлик принципининг янада кенгроқ таъминланишига хизмат қилган бўлар эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Wikipediya maълумоти электрон Манбаа:
<https://uz.wikipedia.org/wiki/So%CA%Bbroq>
2. Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси дарслик Тошкент 2012 йил
Б.А.Миренскийнинг умумий таҳрири остида 125-130 бетлар
3. Криминалистик тактика дарслик Муаллифлар жамоаси Тошкент 2013 100-104 бетлар